



ISSN 2091-5187

# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ

2026
1-сон



# SERVIS

**ILMIY-AMALIY JURNAL 2026 yil, 1-soni**

**Muassis: Samarqand iqtisodiyot va servis instituti**

O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligi tomonidan 2008 yil 31 dekabrda
0561-raqam bilan ro‘yxatga olingan.
O‘zR OAK Riyosatining 19.03.2017 y., 239/5-sonli qarori bilan e’tirof etilgan

**Tahririyat a’zolari:**

**Mas’ul kotib:**
i.f.d., prof. M.Q.Pardaev

**Muharrirlar:**
i.f.d., dotsent F.A.Safarov
PhD, dotsent I.M.Pardaeva
PhD, I.Sh.Ernazarova

**Texnik muharrir:**
katta o‘qituvchi F.O.O‘roqov

**Korrektor:**
PhD, dotsent v.b.
T.I.Yahyoyev

**Sahifalovchi:**
PhD, dotsent v.b.
H.N.Ochilova

1 yilda 4 marotaba
chop etiladi.

**O‘zbekiston hududida tarqatiladi.**

**Tahririyat manzili:**
140100, Samarqand shahar,
Amir Temur ko‘chasi, 9-uy,

tel.: +998(66)233-28-38,
+998(97)913-74-40

faks: +998(366)231-12-53
el.pochta:

samisiservis@mail.ru

**Tahrir hay’ati raisi:**
**M.E.Po‘latov** – Samarqand iqtisodiyot va servis instituti rektori, i.f.d., professor

**Tahrir hay’ati raisi o‘rinbosari:**
**M.Q.Pardayev** – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

**Tahrir hay’ati a’zolari:**
**M.M.Muxammedov** – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori
**D.R.Zaynalov** – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori
**O.M.Murtazayev** – TDIUSF direktori, iqtisod fanlari doktori, professor
**M.R.Boltabayev** – TDIU professori, iqtisod fanlari doktori
**R.X.Ergashev –** QarMII professori, iqtisod fanlari doktori
**B.K.G‘oibnazarov** – iqtisod fanlari doktori, professor
**I.S.To‘xliyev** – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori
**K.B.Urazov** – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori
**Q.J.Mirzayev** – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori
**B.I.Isroilov** – TDIU professori, iqtisod fanlari doktori
**G.M.Shodiyeva** – SamISI professori v.b., iqtisod fanlari doktori
**S.N.Toshnazarov** – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori
**R.N.Normaxmatov** – SamISI professori, texnika fanlari doktori
**A.Bektemirov –** SamISI professori, iqtisod fanlari doktori
**O.M.Pardayev** – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori
**M.T.Alimova** – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori
**Z.Dj.Adilova –** TDIU professori, iqtisod fanlari doktori
**Sh.O.Quvondiqov** – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori
**L.N.Xalikova–** SamISI professori, iqtisod fanlari doktori
**F.A.Safarov –** SamISI dotsenti, iqtisod fanlari doktori
**A.M.Karimova –** SamISI professori, iqtisod fanlari doktori
**I.B.Mattiyev** – SamISI professori, pedagogika fanlari doktori
**B.F.Boronov** – SamISI professori v.b., iqtisod fanlari doktori
**A.N.Xoliqulov** – SamISI professori, iqtisod fanlari nomzodi
**X.A.Raximov –** SamISI dotsenti, PhD
**S.A.Babanazarova –** SamISI dotsenti, PhD
**H.N.Ochilova –** SamISI dotsenti v.b., PhD
**I.R.Berdikulova –** SamISI dotsenti v.b., PhD
**A.Q.G‘apparov–** SamISI dotsenti v.b., PhD

| | |
|---|---|
| **Xurshid Azamatovich Yunusov**<br>Tadbir va ko‘ngilochar xizmatlarni rivojlantirishda marketing strategiyalaridan foydalanish | 154 |
| **Hamdam Iris o‘g‘li Allayorov**<br>Logistika axborot oqimlarini sun’iy intellekt asosida optimallashtirish | 159 |
| **Nodirjon Fayzullayevich Bekbutayev**<br>Monopoliyaga qarshi siyosatni amalga oshirishda davlat organi va hududiy boshqarmalar faoliyatining samaradorligi | 163 |
| **Bekzodjon Sheraliyevich Oblakulov**<br>Improving private education customer loyalty and brand trust through the implementation of digital marketing strategies | 167 |
| **Sadulla Shodiyevich Urazov, Laylo Obidjon qizi Abduraxmanova**<br>Ta’lim muassasalarida tashkiy tuzilmaning boshqaruv samaradorligiga ta’siri | 170 |
| | |
| **MOLIYA, PUL MUOMALASI VA KREDIT** | |
| **Nuriddin Elamonovich Ernazarov**<br>Aksiz solig‘ining byudjeti daromadlarini shakllantirishdagi muammolar | 174 |
| **Шавкат Собирович Олтаев**<br>Рақамли иқтисодиёт шароитида суверен фондларни самарали бошқариш масалалари | 177 |
| **Madina Sanjar qizi Khotamkulova**<br>Corporate efficiency as a financial market participant | 181 |
| | |
| **BUXGALTERIYA HISOBI, IQTISODIY TAHLIL VA AUDIT** | |
| **Komil Baxromovich Urazov, Qahramon Hamidovich Vaxobov**<br>Pochta xizmatlarini ko‘rsatuvchi korxonalar xarajatlari hisobining o‘ziga xos xususiyatlari | 186 |
| **Ortiq Eshnazarovich Ernazarov**<br>Xizmatlar sohasini chiziqli ekonometrik modellashtirish asosida tahlil qilish va prognozlashtirish | 191 |
| **Тўлқин Исматулла ўғли Яхёев**<br>Қурилиш хизматлари кўрсатувчи корхоналарда 15 сон МҲХС асосида даромадларни тан олиш | 198 |
| **Jamshidbek Axmad ug‘li Abdurasulov**<br>Korxonalarni qayta tashkil etishning o‘zgartirish shaklida buxgalteriya hisobi va hisobotini MHXS asosida takomillashtirish | 202 |
| | |
| **TA’LIM, KADRLAR TAYYORLASH VA PEDAGOGIKA** | |
| **Умар Худайбердиев**<br>Мактабгача ва мактаб таълими - илм ва муваффақият калитидир | 209 |
| **Bexzod Nematillayevich Gapparov**<br>OTM kichik guruhlarda temperamentga yo‘naltirilgan pedagogik model | 212 |
| **Ilhom Begmatdulobovich Mattiyev**<br>Chet tillarni o‘rganishda pedagogik texnologiyalarning o‘rni | 216 |
| **Anvar Maxkamovich Soatov**<br>Talabalar temperamentiga mos akademik yuklama taqsimotining samaradorligi | 221 |
| | |
| **E’TIBORGA MOLIK MASALALAR** | |
| **Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев**<br>Рамазон луғати<br>Бахт нима? | 225 |

# E’TIBORGA MOLIK MASALALAR

## РАМАЗОН ЛУҒАТИ

**Рамазон** – Рамазон арабча «ар-рамад» деган сўздан олинган бўлиб, қуёш ҳароратининг жуда исиб, қайнаб кетишини англатади. «Рамазон» дейилишига сабаб, бу ойда гуноҳлар куйдирилади. Уларни ёндириб, кул қиладиган нарса солиҳ амаллардир.

**Рўза** – ўзбек тилига «рўза» деб таржима қилинадиган «савм», «сиям» сўзи луғатда нафс истакларидан ўзини тийишни билдиради. Истилоҳий маъноси эса ният қилиб, тонг отганидан кун ботгунича нафснинг энг катта истаклари қаторига кирувчи ейиш-ичиш ва жинсий алоқа каби зарурий эҳтиёжлардан тийилишдир.

**Таровеҳ** – луғатда дам олиш, истироҳат қилиш маъноларини англатади. Истилоҳда эса рамазон ойи кечаларида хуфтон намозидан кейин, витр намоздан олдин ўқиладиган таъкидланган суннат намоздир.

**Хатм** – тугатиш, якунлаш. Таровеҳ намозларида Қуръони каримни бир ойда энг камида бир марта ўқиш.

**Тасбеҳ** – Аллоҳ таолони турли ношойиста сифатлардан поклаб ёд этиш.

**Таровеҳ тасбеҳи** – таровеҳ намозларида ҳар тўрт ракатда дам олиш учун ўтирган айтиладиган тасбеҳ.

**Эътикоф** – луғатда бирор нарсани ушлаб туриш, туриб қолиш деган маъноларни билдиради. Шариатда эса масжиднинг ичидан чиқмай, Аллоҳ таолога қурбат ҳосил қилиш ниятида бир неча кун ибодатни лозим тутиш маъносини англатади.

**Қадр кечаси** – Аллоҳ таоло Қуръони каримда “минг ойдан яхшироқ кеча” дея таърифлаган, унинг фазилати ҳақида алоҳида “Қадр сурасини нозил қилган тун. Кўпгина уламолар қадр кечасини рамазон ойи охирги ўн кунлигининг тоқ кечаларидан излаш кераклигини таъкидлашган.

**Фитр садақаси** – инсон ўзини поклаши, рўзада йўл қўйилган баъзи камчиликлар ўрнини тўлдириши, камбағал ва муҳтожларга ёрдам бўлиши учун жорий қилинган молиявий ибодатдир. Бирламчи эҳтиёжидан ортиқча маблағга эга бўлганларнинг фитр садақасини беришлари вожиб.

**Шайхи фоний** – Рамазондан бошқа пайтда ҳам, умрининг охиригача рўза тута олмайдиган кишилар. Масалан ўта қари ва сурункали касалга чалинганлар.

**Фидя** – луғатда бадал, эваз дегани. Бирор узрли сабаб билан рўза тутишга мадори етмайдиганлар ҳар рамазоннинг ҳар бир куни учун бир мискинни бир кунлик таом билан тўйдиради.

**Каффорат** – узрсиз, қасддан рўзасини бузган одам жазо сифатида икки ой узлуксиз рўза тутади. Бунга мадори етмаса, 60 нафар мискини эрталаб ва кечқурун овқатлантиради.

## РЎЗАНИНГ ИНСОН УЧУН ФОЙДАЛАРИ ЖУДА ҲАМ КЎП

1. Рўза тутган кишининг тақводорлиги ошади. Аллоҳ рўза оятининг охирида: “Шоядки, тақво қилсангиз”, деган. Аллоҳнинг “шоядки” дегани “албатта” маъносидадар.

2. Рўза туфайли рўзадор соғлигини тиклаб олади. Бир вақтлар худосизлар рўзани соғлиқ учун кони зарар деб, одамларни мажбурлаб рўзасини очирган бўлса, бугун барча бир овоздан рўзанинг соғлиққа фойдалари ҳақида гапиряпти. Россия олимлари рўза йўли билан даволанган беморлар рўйхатини эълон қилган эди. Натижа ҳайратлантирадиган даражада муваффақиятли якунланди.

3. Рўза ҳавои нафсни синдиради. Рўза тутган киши иштаҳаси келиб турган ҳолда турли таом, ичимликлар, шаҳвоний ва бошқа нафси тилаб турган нарсалардан ўзини тийиш билан ҳавойи нафсини синдиради. Шу билан рўзадорнинг иродаси кучаяди, ҳавои нафсини жиловлаб олади.

4. Рўза туфайли инсон шайтонга қаҳр кўрсатади. Шайтони лаин инсонни ёмонликки буюриши маълум. Инсон рўза ва шунга ўхшаш ибодатлар туфайли шайтонга қарши бориб, унга қаҳр қилади.

5. Рўза билан рўзадорнинг қалби мусаффо бўлади. Рўза туфайли инсон доимо Аллоҳни ҳис қилиб туради. Бу эса киши қалбини мусаффо қилади. Унинг қалбига Аллоҳ муҳаббатидан бошқа нарса сиғмай қолади.

6. Рўза туфайли рўзадорнинг гуноҳлари мағфират қилинади. Бу маълум ва машҳур ҳақиқатдир.

7. Рўзадор рўзаси туфайли фаришталар сифати билан сифатланади. Маълумки емаслик, ичмаслик, жинсий яқинликдан тийилиш, доимо тоатда бўлиш фаришталарга хос сифатдир.

8. Рўзадор рўза туфайли сабр бардошли киши сифатига эга бўлади.

9. Рўза рўзадорда раҳм шафқат сифатини шакллантиришга ёрдам беради. Рўзадор ихтиёрий оч қолиб, бева-бечора, камбағалларга нисбатан меҳр-шафқатли бўлиб, доимо уларга яхшилик қилиш кераклигини ҳис қилиб туради.

Манба: @mehrob_uz

## ИФТОРДАН ОЛДИН АЁЛЛАР НИМА ҚИЛИШИ КЕРАК?

Ҳадиси шарифда, Аллоҳ таоло рўзадорга ифтор вақтида нима сўраса, ато қилиши айтилган. Яхши, агар бирор банда ўша вақтда ҳеч нарса сўрамаса, у ҳолда у нимага эришади?

Бизнинг аксар оналаримиз, опа-сингилларимизнинг ҳолатлари айнан шундайки, ифторлик нарсаларини тайёрлашда ва дастурхон безашда шундай банд бўладиларки, уларга “Ҳой, ифторлик вақти бўлиб бўлди, сиз ҳам ифтор қилиб олинг”, дейишга тўғри келади. Бунинг маъноси шуки, у меҳнатни-ку қилган бир ишчи, лекин меҳнат ҳақини берувчи, хоҳлаганингча сўра, қанча керак? деб турганда, сўраш ёдига ҳам келмайди. Бундан ҳам улканроқ бирор ғафлат бўлиши мумкинми?

Аёллар ифторликларни ярим соат олдин тайёр қилиб, дастурхонга қўйилганини эрларига тушунтиришлари керак. Охирги ярим соатда биз ошхонада ўчоқ тепасида туришимиз ўрнига ва нималардир қовуриляпти, баъзан нималардир пишяпти, бу ишлар билан банд бўлиш ўрнига, ушбу охирги ярим соат ёки йигирма дақиқа жойнамозда ўтириб, Роббимизга дуолар қилиб олайлик. Аёллар уйларидаги барча ёш болаларни олдиларига ўтқазиб олсинлар ва гуноҳдан пок болажонларга айтсинларки, улар ҳам қўлларини кўтариб дуо қилсинлар. Агар катталар гуноҳ қилган бўлсалар, ёш болалар гуноҳдан покдир. Ким билсин, ушбу гуноҳдан пок қўллар кўтарилгач, Аллоҳ таоло раҳм қилиб, сизнинг дуоларингизни қабул қилар.

Шунинг учун аёллар ифторлик вақтларини қадрлашлари керак. Агар бирор уйда фақат биргина аёл бўлса ва у таом пишириши ҳам зарур бўлса, у ҳолда дуо қўл билан эмас, қалб билан қилинадики, шунга кўра, қўл иш билан машғул бўлсин ва сиз ушбу ҳолатда ҳам қалбингизда Аллоҳ таологa дуолар қилаётган бўлсангиз, демак, сиз ҳам ушбу вақтда Аллоҳ таолодан сўраган нарсангизга эриша оласиз.

Ҳазрати Зулфиқор Аҳмад Нақшбандий. Манба:@mehrob_uz

**Интернет маълумотлари асосида М.Қ.Пардаев тайёрлади.**

БАХТ НИМА?

Бахт — бу ҳар бир инсон ўзини қандай ҳис қилишига боғлиқ бўлган серқирра тушунча. Мингта инсоннинг бахт ҳақидаги тушунчаси саноғи йўқ.

* * *

Бахт — бу борига қаноат қилиб, шукроналик билан хотиржам яшашдир.

* * *

Бахт — бу одамнинг барча аъзоларининг соғ-омонликда ишлаб туришидир.

* * *

Бахт — бу оилангиз, бола-чақаларингизнинг тинч-хотиржам яшашидир.

* * *

Бахт — бу бир-бирини ҳурмат қиладиган садоқатли жамоангизнинг борлигидир.

* * *

Бахт — бу карлар орасида қулоғингизнинг эшитиб туришидир.

* * *

Бахт — бу кўзи ожизлар олдида кўзингизнинг кўриб туришнинг ўзидир.

* * *

Бахт — бу уйғонганда уйда тинчлик ва осойишталикни ҳис қилишдир.

* * *

Бахт — бу жазирама иссиқ кунларда соябонингизнинг бўлишидир.

* * *

Бахт — бу узоқдаги онангизнинг қўнғироғингизга жавоб бериб: «Менда ҳаммаси яхши», дейишидир.

* * *

Бахт — бу ўзи туғулиб ўсган Ватанида тинч-хотиржам яшашидир.

* * *

Бахт — бу иймон-эътиқодимизнинг ва виждонимизнинг софлигидир.

* * *

Бахт — бу севгн инсонингиз билан оила қуриб яшашга муяссар бўлганликдадир.

* * *

Бахт — бу ўзингизни англаб, кимлигингизни билганингиздадир.

* * *

Бахт — бу фарзандларингизнинг кулгисини эшитиб, кўриб, гувоҳ бўлиб юришингиздир.

* * *

Бахт — бу севган касбингиз билан шуғулланиб, эл-улусга нафи тегадиган ишларни қила олишингиздир.

* * *

Бахт — бу дўстларингизнинг Сизни тарк этмаганлигидир.

* * *

Бахт — бу чарчаган пайтингизда бемалол дам оладиган масканингизнинг борлигидир.

* * *

Бахт — бу ҳаётимизни ташкил этувчи майда-чүйда нарсалардир.

* * *

Бахт — бу доимо ёнимизда, уни фақат пайқай билишдир.

* * *

Бахт — бу уни ҳис қилиб, тақдиридан қониқиб яшайдиган одамларнинг борлигидир.

* * *

Бахт — бу баҳорни кўрганда ёзни кўрадиган, ёзни кўриб, кузни кўрадиган, бундан кейин қишдан эсан-омон чиқиб, баҳорни кутиб оладиган кишининг туйғусидир.

* * *

Бахт — бу кўпни тушуниб, улар билан бирга яшай олишдир.

* * *

Бахт — бу бахтнинг борлигига ишониб, бахтлиман деб яшаётган одамнинг туйғусидир.

* * *

Бахт — бу шуларни ўқиб, бирорта хулоса чиқариб тушуниб яшайдиган одамлардадир.

* * *

**Мамаюнус Пардаев ҳикматларидан**

**ISSN 2091-5187**

# ꕥ “SERVIS” ꕥ

Jurnal Samarqand iqtisodiyot va servis instituti tahririyat bo‘limida nashrga tayyorlandi.

06.03.2026 yilda terishga berildi. 19.03.2026 yilda bosishga ruxsat etildi. Ofset bosma qog‘ozi. Qog‘oz bichimi 60x84 $_{1/8}$. “Times” garniturasi. Ofset bosma usuli. Shartli bosma tabog‘i 15,4. Hisob-nashriyot tabog‘i 14,37. Adadi 100 nusxa. Buyurtma № 0031A/26

Samarqand iqtisodiyot va servis institutining
matbaa bo‘limida chop etildi.
Litsenziya № 025316.
Reestr № X-119112.

Manzil: Samarqand shahri, Shoxruh ko‘chasi, 60-uy.

© Samarqand iqtisodiyot va servis instituti, 2026.